

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**



“Ўзбекгидроэнерго” АЖ  
Ягона акциядорининг  
2023 йил “7” августдаги  
13/12-2-сон қарори билан

**“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО”**  
**акциядорлик жамиятининг**  
**УСТАВИ**  
*(Янги таҳрирда)*

**Тошкент шаҳри - 2023 йил**

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–5044-сон Фармони ва 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2972-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 12 июндаги 04-к-ПО-сон буйруғига асосан ташкил этилган ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Шайхонтохур тумани тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш Ягона дарча маркази томонидан 2017 йил 19 июнда 527273-сон билан рўйхатга олинган.

“Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятининг гидроэлектрстанциялари, гидротехник ва бошқа гидроэнергетика билан боғлиқ бўлинмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Ўзсувэнерго” бирлашмаси негизида “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий вориси “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ҳисобланади.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

а) ўзбек тилида:

лотин ёзувида – “O‘zbekgidroenergo” aksiyadorlik jamiyati;

- кирилл ёзувида – “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти.  
б) рус тилида – Акционерное общество “Узбекгидроэнерго”;  
в) инглиз тилида – Joint-stock company “Uzbekhydroenergo”.

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

а) ўзбек тилида:

лотин ёзувида – “O‘zbekgidroenergo” AJ;

кирилл ёзувида – “Ўзбекгидроэнерго” АЖ.

б) рус тилида - АО “Узбекгидроэнерго”;

в) инглиз тилида - JSC “Uzbekhydroenergo”.

5. Жамият манзили жойлашган жойи (почта манзили):  
Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур  
тумани, Навоий кўчаси, 22- уй.

6. Жамиятнинг электрон почта манзили:  
devonxona@uzgidro.uz

7. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.uzgidro.uz](http://www.uzgidro.uz).

## **2-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

8. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан, ўзининг Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

9. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

10. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақаларини очишга ҳақлидир.

11. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади.

12. Филиал Жамиятнинг Жамият жойлашган еридан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки

уларнинг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади

13. Жамият унитар корхоналарга ҳамда акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

14. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамият, шунингдек, нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

### **3-БОБ. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

15. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

16. Жамиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардир:

гидроэлектрстанцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасида ягона техник сиёсатни амалга ошириш, гидротехник иншоотлардан хавфсиз ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, гидроэнергетика объектларини марказлаштирилган технологик бошқариш;

гидроэнергетика салоҳиятини комплекс ўзлаштириш асосида гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда республикамизнинг энергетика баланси таркибида гидроэнергетиканинг улушини кўпайтиришни таъминлаш;

йирик, ўрта, кичик ва микро гидроэлектрстанцияларни лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасида замонавий ва ҳар томонлама чуқур асосланган илмий-техник ечимлар асосида янги гидроэлектрстанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизациялаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

янги гидроэлектрстанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш юзасидан халқаро компаниялар ва молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

республикамизнинг сув салоҳиятига тежамкорлик билан муносабатда бўлишни таъминлаш, гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланишда мавжуд флора ва фаунани сақлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг иқлим, табиий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини самарали бошқариш;

гидроэнергетика соҳасида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган кадрларни тизимли асосда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

17. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

Жамият олдига қўйилган соҳа ривожланишининг истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда визифаларини белгилаш;

Жамият тасарруфидаги барча гидроэлектрстанцияларнинг моддий-техник базасини ва уларга хизмат кўрсатувчи қурилиш, монтаж, таъмирлаш, созлаш, илмий-лойиҳалаштириш ташкилотларини ягона гидроэнергетика соҳасига бирлаштириш;

электр энергиясини ишлаб чиқариш тартибини мувофиқлаштириш, гидроэлектрстанцияларнинг асбоб-ускуналари ва иншоотларидан кўп йиллик хавфсиз фойдаланиш стратегиясини амалга ошириш, соҳани динамик ривожлантириш, ҳуқуқий ва норматив-методик базасини такомиллаштириш, юқори малакали

мутахассисларни шакллантириш орқали гидроэнергетиканинг ташкилий, молиявий ва технологик бошқарувини амалга ошириш;

замонавий технологиялар ва жиҳозларни қўллаб, уларни эҳтимолий мужассамлаштириш ва стандартлаштириш, гидроэлектрстанцияларни лойиҳалаштириш, қуриш ва назорат қилишда халқаро илмий-техник ютуқларни қўллаш орқали юқори энергетика кўрсаткичларини ва гидроэлектрстанцияларнинг мақбул иш тартиби ва самарадорлигини таъминлаш;

мамлакатдаги гидроэнергетика ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш, мавжуд бўлган гидроэлектрстанцияларни янгилаш ва тўлиқ ишлашини таъминлаш, Ўзбекистон энергетика баланси таркибида гидроэнергетика улушини ошириш учун турли қувватлардаги гидроэлектрстанцияларни қуришни таъминловчи гидроэнергетикани босқичма-босқич ривожлантириш дастурини татбиқ этиш;

гидроэлектрстанцияларда ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишдан тушган маблағларни, фаолият юритаётган гидроэлектрстанцияларни сақлаб туриш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, қайта инвестициялаш йўли билан янги гидроэлектрстанциялар қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг топшириқлари бўйича йўналтириш;

мавжуд табиий салоҳият ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабат орқали республикамизда сув ва энергетика манбалари комплекс ўзлаштирилишини таъминлаш, энергетика, сув хўжалиги, ирригация, ичимлик суви ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида улардан оқилона фойдаланиш;

ташқи иқтисодий фаолият, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилган ҳолда, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларнинг янги шакллари, шу жумладан, илмий-техник савдо-иқтисодий ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

электр энергиясини ҳосил қилиш ва унинг истеъмоли балансини шакллантиришда иштирок этиш ҳамда электр энергияси таърифлари юзасидан таклифлар киритиш;

ягона гидроэнергетика тизимининг ишлаб туриш режимини белгилаш;

гидроэнергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш;

гидроэнергетика соҳасидаги норматив хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

гидроэнергетика объектларидаги илмий тадқиқот, созлаш, таъмирлаш ва муҳандислик-лойиҳа ишларини мувофиқлаштириш;

гидроэнергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

гидроэнергиядан оқилона фойдаланиш ва исрофларини камайтириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, соҳа корхоналарига ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, уларни жаҳон бозорларига чиқаришда кўмак бериш;

хорижий мамлакатлар ва жамиятлар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва инвестицион ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш;

республика ва дунё бозори конъюктурасини ўрганиш негизида гидроэнергия ишлаб чиқарилишига инвестицияларни жалб этиш;

гидроэлектрстанциялар ва тармоқларнинг уйғун ишлашини кечаю-кундуз оператив диспетчерлик бошқариш;

белгиланган тартибда гидроэлектрстанциялар ва электр тармоқларини қуришда буюртмачи вазифаларини бажариш, шунингдек ўз тасарруфидаги объектларни ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг буюртмаси бўйича объектларни лойиҳалашда ва қуришда пудратчи вазифасини бажариш;

ишлаб чиқариш, тижорат ва илмий-техник фаолиятга маблағлар инвестициясини амалга ошириш;

тармоқда энергиядан самарали фойдаланиш ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш;

илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш, олий ўқув юртлари, шу жумладан, хорижий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни кенгайтириш йўли билан республика гидроэнергетика саноатига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш;

соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш.

корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий қилишни жадаллаштириш, тармоқни бошқаришга юқори малакали менежерларни, шу жумладан, хорижий менежерларни кенг жалб қилиш;

акциядорлик жамияти таркибига кирадиган корхона ва ташкилотларга ахборот, маркетинг ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

18. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда, лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

19. Жамият кўшимча фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлидир.

#### **4-БОБ. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ**

20. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

21. Жамиятнинг Устав фонди **731 106 683 200** (етти юз ўттиз бир миллиард бир юз олти миллион олти юз саксон уч минг икки юз) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган **7 311 066 832** (етти миллиард уч юз ўн бир миллион олтмиш олти минг саккиз юз ўттиз икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияга бўлинган.

22. Жамиятнинг Устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

##### **а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш**

23. Жамиятнинг Устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

24. Кўшимча акциялар эълон қилинган Жамият Уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

25. Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларга кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори – номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган **20 000 000 000** (йигирма миллиард) дона оддий акциялардан иборат.

26. Жамият Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан қабул қилинади.

Жамият Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамият Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз фонди ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамият Устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига муносиб равишда тақсимланади. Жамият Устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамият Устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Жамият Устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур Уставда кўрсатилган эълон қилинган кўшимча акцияларнинг сони жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

27. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамият Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

28. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда ўтказилади.

29. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

30. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек, пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

#### **б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш**

31. Жамият Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамият Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга ҳақли.

32. Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан қабул қилинади.

Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Жамиятнинг Ягона акциядори Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **5-БОБ. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

33. Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси – Жамият акциядори деб эътироф этилади.

Жамиятнинг Ягона акциядори дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

34. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

35. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлагга йўл қўйилмайди.

36. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамиятнинг Ягона акциядори қарорига кўра амалга оширилади.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада

бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

## **6-БОБ. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

37. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивиденд Жамият Ягона акциядорининг қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

38. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди.

39. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан қабул қилинади. Ягона акциядор акцияларнинг муайян турлари бўйича дивиденд тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

40. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамиятнинг Ягона акциядори қарорида белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **7-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

41. Жамиятда соф фойда ҳисобидан Жамият Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Жамиятнинг захира фонди ушбу Уставда белгиланган

миқдорга етгунига қадар соф фойданинг камида 5 (беш) фоизи миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

42. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

43. Жамиятнинг Ягона акциядори қарорига мувофиқ Жамиятда бошқа фондлар ташкил этилиши мумкин.

## **8-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

44. Жамиятнинг бошқарув органлари куйидагилардан иборат:

Жамиятнинг Ягона акциядори;

Кузатув кенгаши;

Ижроия органи (Бошқарув).

## **9-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ЯГОНА АКЦИЯДОРИ**

45. Ягона акциядор Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

46. Жамиятда умумий йиғилиш ўтказилмайди.

Жамият Ягона акциядори томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Жамият ҳар йили Ягона акциядор муҳокамасига Жамият фаолиятига тааллуқли масалаларни киритиши шарт.

Ягона акциядорнинг йиллик муҳокамаси молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Жамият Ягона акциядорининг навбатдаги (йиллик) муҳокамаси ҳар йили июнь ойининг охириги шанбасидан кечиктирмаган муддатда ўтказилади.

**47. Ягона акциядор ваколати доирасига куйидагилар киради:**

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг Устав фондини (Устав капиталини) камайтириш;

Жамиятнинг Устав фондини (Устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек, Жамият Уставига Жамиятнинг Устав капиталини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

ўз акцияларини олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини (Тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар

юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек, уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда йирик битим ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ички назорат тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “Бошқарув ва назорат органини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги, “Жамият Ягона акциядори томонидан қарорларни қабул қилиши тўғрисида”ги, “Ички аудит

хизмати тўғрисида”ги, “Ижроия органи (бошқарув) тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлаш;

Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Ягона акциядори зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш;

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш миқдори тартиби ва шартларини белгилаш;

қонунчиликда ўрнатилган миқдор доирасида хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдамни кўрсатиш (олиш) шартлари ва тартибини белгилаш, шунингдек, ушбу тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Кузатув кенгаши ваколатли бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2020 йилдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сон қарорига мувофиқ умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари (ишлар, хизматлар) харидларининг мақсадга мувофиқлигини ҳар чоракда рўйхати тасдиқланган ҳолда кўриб чиқиш;

Жамият кундалик хўжалик фаолиятига кирадаган битимларни белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамиятнинг ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади (*бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно*).

48. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу Устав билан Жамият Ягона акциядори ваколатига

киритилган масалалар бўйича қарорлар Жамият Ягона акциядори томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Жамият Ягона акциядорининг қарор қабул қилиш тартиби, Жамият Ягона акциядори томонидан тасдиқланган “Жамият Ягона акциядорининг қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

## **10-БОБ. КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

49. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Жамият Ягона акциядори ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

50. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият Ягона акциядори томонидан **уч йил** муддатга сайланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони **7 (етти)** кишидан иборат.

51. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

52. Жамият бошқаруви аъзолари унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

53. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тарикасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

54. Кузатув кенгаши таркибига **4 нафар** *(халқаро танлов асосида соҳа мутахассисларини жумладан, ватандошларни фаол*

*жалб этиш орқали*) малакали мутахассислар (*мустақил аъзолар*) белгиланган тартибда жалб этилади.

55. Кузатув кенгашининг аъзолари, Жамиятнинг барча фаолияти йўналишлари бўйича ваколат доирасида Жамиятга амалий ёрдам кўрсатади.

56. Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**57. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:**

Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Ягона акциядорга муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлаш;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини Жамиятнинг Ягона акциядорига ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш ва бегоналаштириладиган мол-мулкнинг охириги (сотув) нархини белгилаш;

Жамият Бошқарув раиси ваколатини муддатидан илгари тугатиш, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш, зарур ҳолларда Жамиятнинг Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) учун танлов эълон қилиш, танлов шартларини белгилаш ва танлов комиссияси таркибини тасдиқлаш, танловда чет эл мутахассисларини (менежерларини) иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриш, танлов якунига асосан ғолиб номзодни Бошқарув раиси лавозимига тайинлаш масаласини Жамият Ягона акциядорига киритиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи Низомни тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

Жамиятнинг Устав фондини (Устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг Устав фондини (Устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш;

Жамият ижроия органининг ҳар чоракда ҳисоботларини эшитиб бориш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш (Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин);

аудиторлик текшируви (мажбурий аудиторлик ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ташқари) ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда йирик ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар битим тузиш тўғрисидаги қарор, мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;

Жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва лойиҳа офисининг харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш каби масалаларини кўриб чиқиш;

мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, Жамият Устав капиталига ва Жамият таркибидаги корхоналар Устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (*битим, шартнома, меморандум ва бошқалар*) келишиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни

34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат Ягона акциядор томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада қабул қилиш;

Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш, шунингдек, аудит бўйича кўмита, тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича кўмита ҳамда зарурат бўлганда эса, бошқа кўмиталарни ва/ёки ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек, уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш бўйича Ягона акциядорга таклиф киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сонли қарорига мувофиқ умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари (ишлар, хизматлар) харидларининг мақсадга мувофиқлигини ҳар чоракда рўйхати тасдиқланган ҳолда кўриб чиқиш;

давлат харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш.

58. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

59. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

60. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу Кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

61. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

62. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг талабига кўра чақирилади.

63. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.

64. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини Жамият Ягона акциядорига киритиши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари ушбу масалани Жамият Ягона акциядорига киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек, Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

65. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

66. Мажлисда Кузатув кенгаши аъзолари видео, аудио, интернет ва бошқа алоқа воситалари орқали конференция алоқа бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

67. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

68. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

69. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (*сўров йўли билан*) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин, бундан ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг шахсан иштирокида ўтказиладиган Кузатув кенгаши мажлислари мустасно.

70. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Жамият Ягона акциядорига масала киритиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор

ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

71. Жамият Ягона акциядори қарорига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Жамият Ягона акциядор қарорида белгиланади.

72. Кузатув кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек, Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

73. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва Жамият Ягона акциядори томонидан тасдиқланган Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

73.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарор талабларига мувофиқ Жамиятда “Комплаенс-назорат” ва коррупцияга қарши курашиш бўлими фаолияти йўлга қўйилади. “Комплаенс-назорат ва коррупцияга қарши курашиш” бўлими Жамият Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

“Комплаенс-назорат” ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ходимларининг сони йўналишнинг мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак. Ходимлар сони Жамият, Кузатув кенгаши, Ягона акциядор, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

73.2. Жамиятнинг “Комплаенс-назорат” ва коррупцияга қарши курашиш бўлимининг асосий мақсадлари:

Жамият ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар, илғор жаҳон тажрибаси, жумладан, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими. Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талабларини тушиниш ва уларга риоя этилишини таъминлаш;

Жамиятда коррупциавий хавф-хатарларни камайтириш ва барҳам бериш;

Жамиятнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамият ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Жамият ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

Жамиятда коррупцивий хатти-ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларни оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш, коррупцивий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлик тамойилини таъминлаш.

73.3. Жамиятнинг “Комплаенс-назорат” ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланадиган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат”да белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

#### **73.4. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси.**

Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

***Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:***

сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки куда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реестрини юритиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг ушбу бандда белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Қонунда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

## **11-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

74. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи – Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Жамият Бошқаруви 5 киши (*Бошқарув раиси, 2 нафар биринчи ўринбосар ва 2 нафар ўринбосар*)дан иборат бўлиб, танлов асосида Ягона акциядорнинг қарори билан **3 йилга** тайинланади. Бошқарув ишига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

Бошқарув раиси сифатида тайинланган (*қайта тайинланган*) шахс сурункасига **икки муддатдан ортиқ** ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

Жамият Бошқаруви таркиби одатда Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларидан иборат. Бошқарув аъзоларининг бир аъзоси ишдан бўшаган ва/ёки ишга лаёқатсиз бўлиб қолган ҳолларда унинг ўрнига вақтинчалик Кузатув кенгашининг қарорига асосан бошқарма ёки бўлим бошлиқларидан биронтаси тайинлаши мумкин.

75. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари белгиланган тартибда Ягона акциядор қарорига асосан лавозимга тайинланади.

Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

Бошқарув раиси ва ўринбосарларини тайинлаш, чет эллик малакали менежерлар (мутахассислар) иштирок этиши имконияти бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

Бошқарув раиси ва ўринбосарларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлиги улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўзда тутилади.

76. Бошқарув ваколатларига Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Ягона акциядор ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Бошқарув Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкиллаштиради.

77. Жамият Бошқарув раиси Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифодалайди ва давлат муассасаларида, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотларда Жамият ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

**78. Жамият Бошқарувининг ваколатига қуйидагилар киради:**

Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш;  
ишчи-ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари низомларини ва лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича Жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

Жамият томонидан битимлар тузилишида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлар тўғрисида”ги Қонунига ҳамда қонуности ҳужжатларига мувофиқ тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда белгиланган тартибда ошкор этилиб борилишини назоратга олиш;

Жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш.

Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомга мувофиқ Бошқарув ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

**79. Жамият Бошқарув раиси ваколатига қуйидагилар киради:**

мазкур Устав ва Ягона акциядор томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

Ягона акциядор қарорларининг ижро этилишини ташкил этиш;

Бошқарув раиси ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилаш;

Жамият филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқариш, шунингдек, ўзининг ваколоти доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлаш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилади;

Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузиш;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очиш, Жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолаш;

ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизومي сақлаб турилишини таъминлаш;

ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилаш, Жамият ходимларини рағбатлантириш,

шунингдек, Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатиш;

Жамиятнинг ҳомийлик ва бошқа бегараз ёрдамларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда бизнес-режаси доирасида Кузатув кенгаши ва/ёки Жамият Ягона акциядори қарорига асосан амалга ошириш;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан, эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек, Ягона акциядорга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар.

Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва “Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида”ги низомга мувофиқ Бошқарув раиси ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

80. Бошқарув раиси қуйидагиларга ҳақли:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилишга;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалашга;

Жамият Ягона акциядори розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлишга.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва “Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида”ги низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

81. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Ягона акциядори ва Кузатув кенгаши олдида ҳисобот бериш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Ягона акциядори, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият ички аудит хизмати талабига кўра тақдим этилишини таъминлаш;

Бошқарув йиғилишларини ўтказишни ташкил этиш;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

82. Жамият Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Жамият Бошқаруви мажлисининг баённомаси Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг аъзолари талабига кўра уларга хизматда фойдаланиш учун берилади.

Жамият Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув раиси ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди. Жамият Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

83. Бошқарув мазкур Устав ва Ягона акциядор томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

## **12-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **12.1-Тафтиш комиссияси**

84. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамиятда Тафтиш комиссияси тузилиши (тафтишчи сайланиши) мумкин.

Тафтиш комиссияси (Тафтишчи) Ягона акциядор қарорига асосан сайланади.

Жамият Тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат бўлади.

Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколоти:

бир йиллик давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра хулоса тузиш;

Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлаш;

Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир

талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Ягона акциядорига ва Ягона акциядорнинг йиллик йиғилишига олиб чиқиш.

85. Жамият Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

## **12.2-Ички аудит хизмати**

86. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамият Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак ҳамда корхонанинг Кузатув кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафар ички аудитордан иборат этиб белгиланади

Ички аудит хизмати ходимлари корхонанинг штатлар жадвалига киритилиши ва ички аудитор сертификатиغا эга бўлиш шарт.

Ички аудит хизмати ходимлари корхона кузатув кенгаши ёки муассис (акциядорлар умумий йиғилиши, иштирокчилар умумий йиғилиши) томонидан белгиланадиган тартиб ва шартларга асосан танлов асосида тайинланади.

87. Жамиятнинг ички аудит хизмати қуйидагиларни текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамият Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди:

Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини;

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини;

Жамиятнинг хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини;

Жамият активларининг сақланишини, Устав фондидаги 50 фоиз улуш Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операцияларни, шунингдек, Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини.

Ички аудит хизмати корхонанинг шуъба хўжалик жамиятлари ички аудит хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва заруратга қараб уларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилади.

Ички аудит хизмати ва ташқи аудитор бир-бирларига нисбатан мустақил бўлишлари лозим, шунингдек, ўзаро ахборот алмашишга ва ўзларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга ҳақли.

Корхонанинг кузатув кенгаши ички аудит хизмати ходимларини танлов асосида тайинлайди, шунингдек, аудиторлик ёки назорат қилувчи органлар текширувида ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти билан боғлиқ камчиликлар аниқланган тақдирда, уларнинг ваколатини муддатидан олдин тугатади.

88. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланадиган “Жамият ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомда белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

### **12.3-Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)**

89. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

Жамиятнинг йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш **халқаро аудиторлик тармоқларига ва халқаро уюшмаларига аъзо бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.**

90. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

### **13-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

91. Ушбу Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

92. Ушбу Уставда акс эттирилмаган масалалар Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

93. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонун ҳужжатларига ушбу Устав қоидаларига зид келувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

94. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

**“Ўзбекгидроэнерго” АЖ**

**Бошқарув раиси**



**А. Сангинов**